



**15-16 APREL
2022**

**TOSHKENT
O‘ZBEKISTON**

**“GEOGRAFIK TADQIQOTLAR: INNOVATSION G‘OYALAR
VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI”**

XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM
VAZIRLIGI
MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
G.O. MAVLONOV NOMIDAGI SEYSMOLOGIYA INSTITUTI**

O‘ZBEKISTON GEOGRAFIYA JAMIYATI

**“TADQIQOT.UZ”
XALQARO ILMIIY JURNALLAR PORTALI**

**GEOGRAFIK TADQIQOTLAR:
INNOVATSION G‘OYALAR VA RIVOJLANISH
ISTIQBOLLARI**

**II
XALQARO ILMIIY-AMALIIY KONFERENSIYA
MATERIALLARI**

TO‘PLAMI

Toshkent - 2023

Geografik tadqiqotlar: innovatsion g'oyalar va rivojlanish istiqbollari:
II Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plam (15–16-aprel, 2022-yil, Toshkent). –Toshkent.: TADQIQOT.UZ, 2023. – 847 bet.



<http://doi.org/10.5281/zenodo.4751426>

To'plamda keltirilgan ilmiy tadqiqot ishlari natijalaridan tabiiy geografiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, iqtisodiy va ijtimoiy geografiya, xorijiy mamlakatlar iqtisodiyoti va mamlakatshunoslik, tashqi iqtisodiy faoliyat, turizm, gidrologiya, gidrometeorologiya, geologiya, geodeziya, kartografiya hamda geoinformatika sohalaridagi mutaxassislar, ilmiy xodimlar, mustaqil izlanuvchilar, doktorantlar, magistratura va bakalavriat talabalari, umumiy o'rta ta'lim maktablari, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari o'qituvchilari hamda geografiya faniga qiziquvchilar foydalanishlari mumkin.

Tahrir kengashi:

g.f.d., professor Hikmatov F.H.
g.f.d., katta ilmiy xodim Rafiqov V.A.
g.f.n., dotsent Sharipov Sh.M.

Kengash a'zolari:

g.f.n., dotsent Tashtayeva S.K.
g.f.n., dotsent Shomurodova N.T.
PhD, dotsent Shomurodova Sh.G'.
PhD, dotsent Prenov Sh.M.
PhD, dotsent Raxmonov D.N.
PhD, dotsent Raxmonov K.R.
PhD, dotsent Umirzoqov G'.O'.

Mas'ul muharrir:

Ibragimov Sh.U.

©Mualliflar jamoasi

©tadqiqot.uz

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ОЛТИНСОЙ ТУМАНИ РЕКРЕАЦИОН РЕСУРСЛАРИ

Бекмуродов Аъзам Абдурахмон ўғли

магистрант

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

e-mail: azambekmurodov97@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани рекреацион ресурслари ёритилган. Бу соғломлаштириш марказларидан аҳоли қандай мақсадда фойдаланиб келаётганлиги ва диний, тарихий ҳамда туристик маршрутлар келтирилган. Туманда диний туризмни алоқадор бўлган 14 та муқаддас қадамжоларнинг баъзилари ҳақида маълумотлар кўрсатилган. Келажакда тумanning рекреацион ресурслари салоҳиятини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: рекреация, туризм, тарихий-меъморий, табиат, туман.

RECREATION RESOURCES OF OLTINSOY DISTRICT IN SURKHANDARYA REGION

Bekmuradov Azam

Annotation: This article covers the recreational resources of Altynsay district of Surkhandarya region. These health centers are used by the population for various purposes, historical and tourist routes. Information is provided about some of the 14 holy shrines in the district. Suggestions and recommendations were made to increase the recreational potential of the district in the future.

Key words: recreation, tourism, historical, nature, district.

Менинг илмий ишимнинг объекти Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани, предмети еса тумanning табиий-географик шароити, рекреацион ресурслари, жумладан, туристик имкониятлари ва зиёратгоҳ жойлари.

Ўрганилаётган ҳудуд Сурхондарё вилоятининг шимолий қисмида жойлашган Олтинсой тумани 1981-йилда Шўрчи ва Денов тумани қисмларидан ташкил топган. Майдони 0,56 минг км. кв. Тумanning шимолий ҳудудлари тоғ олди ҳудудга киради. Ғарбий чегараси Керагатоғ этагига туташиб кетади. Денгиз сатҳидан 400-700 метр баландликда жойлашган. Иқлими ўзига хос бўлиб, тоғ олди ҳудудлари ёзда салқин. Туман ҳудудидан Хўжаипок дарёси ва Ҳазарбоғ канали оқиб ўтади [8].

Туристтик-рекреацион ресурслар ўзига хос бўлиб, худуднинг географик ўрнига боғлиқ. Жумладан, Сурхондарё вилоят Олтинсой тумани туристик-рекреацион соҳасини жадал ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқдир. Рекреация ва туризм соҳаси ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий, маърифий соҳаларига сезиларли даражада таъсир кўрсатиши ва иқтисодиётга катта ҳисса қўшишини ҳисобга олган ҳолда, Олтинсой туманида бундай соҳаларни ривожлантириш учун имкониятлар етарли. Шу сабабли, тумандаги рекреацион ресурсларни ўрганиш ва келажакда ривожлантириш истиқболларини кўрсатиш бўйича таклифларни билдириш мақсадга мувофиқдир.

Менинг илмий ишим мавзуси «Олтинсой тумани рекреацион ресурслари». Бундан кўриниб турибдики вазифам тумандаги ҳозирда мавжуд рекреацион ресурсларни ҳамда туризмни бир қисми бўлган тарихий-меъморий, диний туризм (зиёратгоҳ жойлар) ҳақида маълумот бериш.

Тумандан рекреацион ресурс сифатида Хўжаипок дарёси, Ҳазарбоғ канали, Дегрез сув омбори, Хўжаипок Ота (Хўжа Авф хазратлари, XVI аср) зиёратгоҳи қабиларни олишимиз мумкин. Олтинсойда диний туризм ривожланишига ҳисса қўшадиган 14 та муқаддас қадамжолар аниқланган. Ҳар бир қадамжо ўзига хос тарихга ега. Сўфи Оллоёр (XVII аср), Хожа Муҳаммад Мавлонои Зоҳид (XVII), Хидиршо (XIV), Қурбон Соат (XVII), Хўжайгор ёки Авлиё ота (XVIII–XIX), Кийик ота (XVIII–XIX), Биби Зайнаб мома (XIX аср), Хўжа Ҳасан Илғорий шарафига барпо этилган «Каптархона» (XIX–XX аср), Якка тут бобо (XVIII–XIX), Қорахон Эшон бобо (XIX–XX), машҳур саҳоба Саъд ибн Аби Ваққос (ваф. 674) номи билан боғлиқ зиёрат жойлари бор. Яна туманда бир қанча тарихий-меъморий жойлар бор. Булардан энг йириклари Дегрезтепа, Мунчоктепа, Қизилтепа, Қоратепа, Тарғайтепа, Жиянбобо [7].

Туманда VI–VII асрларда яшаган саҳобалардан бири, ислом динини тарғиб қилиб ёйишда фаоллик кўрсатган Хўжа Ҳасан Илғорий зиёратгоҳи бор. Хўжа Ҳасан Илғорий ислом динини тарғиб қилиш мақсадида бу ерларга юриш қилиб қолиб кетган Ҳазрати Али (р. а.)ни излаб келади. Ўзи еса яраланиб шу ерда қолади. Ҳазрати Али (р. а.)нинг тириклигини кабутардан нома юбориб билдиради. Натижида бу қадамжо «Каптархона» номи билан танилган.

Яна бир зиёратгоҳ Хўжа Соат маҳалла марказидан юқориқда, машҳур саҳоба Саъд ибн Аби Ваққос (ваф. 674) номи билан боғлиқ. Саҳобанинг бу ерда пайдо бўлиши Марказий Осиёга қилинган дастлабки араб юришларига бориб тақалади.

Маълумотларга қараганда туманда Хизр пайғамбарнинг қадамига мансуб деб ҳисобланадиган Хидиршо зиёратгоҳи (XIV а.) бор. Бу жой Хидиршо

қишлоғида жойлашган. Қишлоқ номининг келиб чиқиши ҳам бу улуғ зот билан алоқадор бўлиши мумкин [4. 171-172 бет].

Ҳар бир худудни оламга танитиб, туристларни ўзига жалб қиладиган бебаҳо бойлиги бўлади. Олтинсойда бу бойлик Хўжаипок Ота (Хўжа Авф хазратлари, XVI аср) зиёратгоҳидир. Бу зиёратгоҳ мамлакатимиздаги муқаддас қадамжолардан биридир. У хориж мамалакатларида ҳам таниқли маскан ҳисобланади. Хўжаипок Ота зиёратгоҳида ер остидан шифобахш олтингугурт суви чиқиб туради. Мутахассисларнинг фикрича бу олтингугурт суви ўн бешдан ортиқ оғир, ўткир ва юқумли касалликлардан фориғ бўлишга ёрдам беради. Табиий самарали восита сифатида таянч ҳаракат тизими, акушер-гинекологик касалликлар, асаб тизими, жигар, буйрак ва бошқа хасталикларни даволашга жуда фойдали. Бу ердаги минерал шифобахш сув, мусаффо ҳавода кислороднинг кўплиги, ландшафтнинг гўзаллиги, бетакрор тоғ табиати кишини беихтиёр мафтун этади. Шу боис ёз мавсумида бу жойларга мамлакатимиз ва хориждан кўплаб маҳаллий ва хорижий сайёҳлар келишади. Муқаддас қадамжони зиёрат қилишади. Хўжаипок Ота зиёратгоҳига ташриф баҳор фаслининг охирига ойларидан бошланиб кузнинг совуқ кунларигача давом этади. Айниқса, ёз ойларида ниҳоятда одам кўпайиб, зиёратгоҳ гавжум бўлиб кетади. Бу ерда бир неча кунлаб қолиб дам олиш имкони ҳам мавжуд. Ёзда ҳам кечаси ҳарорат пастроқ бўлади. Шифобахш сувда чўмилиш учун худуднинг табиати ва кўринишига мослаб бассейнлар ташкил қилинган. Зиёратгоҳ жойлашган худуднинг табиати гўзал, иқлими жуда қулай бўлиб, ён атрофларга сайр қилиш ҳам мумкин. Машҳур сўлим масканнинг ёнидан оқиб ўтаётган дарё ва худуднинг табиий иқлим шароити санаторий курорт муассасаларини ривожлантириш, агро, тиббиёт ва зиёрат туризмни кенг йўлга қўйиш учун жуда қулай. Сўлим маскан худудидан маҳаллий ва чет эллик меҳмонлар учун замонавий меҳмонхона, овқатланиш жойи қуриш мумкин. Табиат қўйнидаги сўлим масканга элтувчи йўл талаб даражасида эмас.

Зиёратгоҳга ташриф буюрувчилар сонини ошириш учун албатта йўл муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозирда йўлнинг ҳолати зиёратчилар дилини бир мунча хира қилади. Йўлнинг бу аҳволга келишига сабаб ўнг тарафида тик тепаликлар бор, чап тарафидан эса дарё оқиб ўтади. Ёғингарчилик мавсумида тепаликлардан тушган сув оқимлари ўзи билан бирга лойқа жинсларни оқизиб келади. Дарё томони эса сув кўпайган мавсумда қирғоқларини емиради ҳамда тик жарликлар ҳосил қилиб йўлни тор қилиб ташлайди. Натижада йўлнинг кўриниши ёмонлашади [7].

Тарихий-меъморий обида бўлган Қоратепа қўрғони 1971 йилда аниқланган. 1976-йилда қайта текшириб кўрилган. Қолдиғи тўғри бурчак шаклда бўлиб, шимоли-ғарбдан жануби-шарққа чўзилган. Ўлчами 190x130 м. Шимоли-ғарбида

тўғри бурчак тарихда қалъа бўлган. Қалъа асосий қисмининг баландлиги 4 м. Қалъанинг шарқ томонида қадимги қабристон бўлган. Ундан узунлиги 2 метрдан зиёд цилиндр шаклдаги сопол саркофаг топилган. Унинг ичидан гавда суяги, дафн буюмлари, жумладан, жез тақинчоқлар топилган. Кушон даврига оид сопол парчалари ветчина топилган [8].

Яна бир меъморий обида ҳисобланган I-IV асрларга оид Тарғайтепа бор. Бу жой 1968- ва 1982- йилларда текширилган. Тарғайтепа квадрат шаклда (50x50) қалъа бўлиб, бурчакларда доира шаклда буржлар бор. Уларнинг баландлиги 8 метрга етади. Қароргоҳнинг юқори қисмидан Кушон подшоларидан Васудевая ва Канишка III даврига оид тангалар, бактриялик жангчининг боши, қизил ангоб билан сирланган сопол парчалари топилган. Бу тарихий-меъморий обида дарё соҳилида жойлашганлиги уни янада туристбоп ҳудуд қилиш имконини беради [8].

Туманда рекреацион-туризм салоҳиятини оширишда муҳим аҳамиятга ега бўлган Дегрез сув омбори бор. Бу сув омбор атрофида туризмни ривожлантириш имкони мавжуд. Сув омбор ёнидан асосий автомобил йўли ўтганлиги туризмни ривожлантиришда катта аҳамият касб этади. Бу ерга дунёнинг исталган жойларидан инсонларнинг ташрифи учун жуда қулай. Иқлими ҳам анча қулайдир. Сув омбор негизида бир нечта туристик-рекреатсион марказлар ташкил қилса бўлади.

Тумандаги соғломлаштириш объектларни, тарихий жойларни ва зиёратгоҳларни туристбоп қилиш учун қуйидагиларни таклиф қилиб беришим мумкин:

- Соғломлаштириш масканлари ва туристик марказларга борадиган инфратузилмани яхшилаш керак;
- Зиёратчилар ва туристлар учун афтобус хизматини йўлга қўйиш;
- Бу объектларда меҳмонларга овқатланиш жойларини қуриш;
- Ётиб қолишга шароит қилиш;
- Зиёратгоҳлар, тарихий-меъморий жойларда, туристик ҳудудларда намозхонлар учун намозхоналар, таҳоратхоналар ташкил қилиш керак.

Олтинсой тумани Сурхондарё вилоятида ягона бўлган инноватсион ҳудуд ҳисобланади. Бундан кўриниб турубдики туманда туристик-рекреацион марказларни ташкил қилиш жуда қулайдир. Олтинсой тумани ҳам текислик ҳам тоғлик ҳудудда жойлашганлиги сабабли кўпгина соғлослаштириш марказларни ташкил қилиш имконини беради. Туманнинг тоғ олди қисми ўзига хос ажойиб манзарага эгадир. У ернинг табиати қулай, иқлими ёзда ҳам салқин бўлиб Вахшивор қишлоғида жойлашган Қўтирбулоқ негизида рекреатсион марказни яратиш имконини беради.

Юқорида келтирилганлардан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки йилдан-йилга мамлакатимиз аҳолисининг турмуш даражаси яхшиланиб бормоқда. Натижада аҳолининг бўш вақтлари кўпаймоқда ва кундалик даромадидан ортганига соғломлаштириш масканлари, маданий ҳордиқ чиқаришга боряпти. Бу ҳолат шу даврнинг асосий талабига айланиб бормоқда. Туризм соҳаси учун туристик-рекреацион ресурслар асосий аҳамиятга эгадир. Ўзбекистонда, жумладан Сурхондарё вилоятида ҳам туристик-рекреацион марказларни янада кўпайтириш ва туристбоп шароит яратиш учун имкониятлар етарли.

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.А.Ҳасанов, П.Н.Ғуломов, А.А.Каримов, Ўзбекистон табиий географияси (2-қисм), Т: "Университет" – 2010, 160-бет.
2. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий журнали. № 2. 2017-йил.
3. П. Баратов, Ўзбекистон табиий географияси. Т: "Ўқитувчи" – 1996, 262-бет.
4. С. Турсунов, Т. Пардаев, А. Пайғамов, Н. Нарзуллаев Сурхон воҳаси моддий маданият тарихи Т – "Муҳаррир" – 2013. 244 бет.
5. И.С. Тухлиев, Р. Ҳайитбеков, Б.Ш. Сафаров, Г.Р. Турсунова Туризм асослари. Дарслик. Т.; Фан ва технология-2014. 332 бет.
6. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6-жилд, Т; Давлат илмий нашриёти — 2003. 704-бет.
7. http://old.bukhari.uz/index.php?option=com_content&view=article&id=2098:termizallama&catid=67&Itemid=491&lang=uz
8. https://uz.wikipedia.org/wiki/Oltinsoy_tumani